

1.39.



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
BANDLIK VA MEHNAT MUNOSABATLARI VAZIRLIGI

BUYRUQ

2020 yil "10" avgust 130-112-son

Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги марказий аппарати ва вазирлик номенклатурасига кирадиган вакант лавозимларга ишга қабул қилиш учун танлов ўтказувчи доимий танлов комиссиясини тузиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5843-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 72-моддаси талаблари асосида вазирлик марказий аппарати ва вазирлик номенклатурасига кирадиган вакант лавозимларга ишга қабул жараёнида одилликни ва шаффоқликни таъминлаш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5843-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги билан ҳамкорликда "Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимидаги вакант лавозимларга ишга қабул қилиш учун танлов асосида саралаб олиш тўғрисида" Тартиб ишлаб чиқилганлиги ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги марказий аппарати ва вазирлик номенклатурасига кирадиган вакант лавозимларга ишга қабул қилиш учун танлов ўтказувчи доимий танлов комиссияси (кейинги ўринларда "танлов комиссияси" деб юритилади) илова асосида тасдиқлансин.

3. Танлов комиссияси (Б.Умурзаков)га:

номзоднинг тақдим этган ҳужжатларини вакант лавозимни эгаллаш бўйича малака талабларига мослигини ўрганиб чиқиш;

Ўрганиш натижасида малака талабларига мувофиқ бўлган номзодларни танлов иштирокчилари рўйхатига киритиш, малака талабларига мувофиқ бўлмаган номзодларга ўрнатилган тартибда танлов иштирокчилари рўйхатига киритилмаганлиги ҳақида хабардор қилиш;

номзодлар рўйхати шаклланганда танлов ўтказилиши тўғрисида қарор қабул қилиш;

мавжуд бўш лавозимга танлов ўтказиш жараёнида ушбу бўш лавозим бўлган таркибий бошқарма (бўлим) раҳбарини танловга жалб этиш;

вазирлик сайти орқали танлов ўтиш жойи ва вақти тўғрисида номзодларга хабар бериш;

сухбат (тест) дан юқори натижага эришган номзодни ишга қабул қилиш тўғрисида вазир номига тавсия бериш ёки номзодни ишга қабул қилинишини рад этилиши тўғрисида хабардор қилиш юклатилсин.

4. Ахборот хизмати (Р.Маҳкамов):

вакант лавозимлар тўғрисидаги маълумотларни вазирликнинг расмий веб-сайтида ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида жойлаштириш ҳамда эҳтиёждан келиб чиқиб даврий нашрларда ҳам жойлаштириш чораларини кўриш;

танлов комиссиясининг қарорларини вазирлик сайтида эълон қилиб борилишини таъминлаш юклатилсин.

5. Кадрлар бошқармаси (А.Эгамов):

вазирлик марказий аппарати ва вазирлик номенклатурасига қирадиган вакант лавозимларга ишга қабул қилиш учун ўтказилган танлов натижасида ғолиб деб топилган номзодлар билан белгиланган муддатда меҳнат шартномаларини тузиш;


ишга қабул қилиш ҳақидаги буйруқни расмийлаштириш;

танлов ғолибини ишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқ нусхаларини Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлигига юбориш чораларини кўрсин.

6. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Э.Мухитдинов, вазир ўринбосарлари Б.Умурзақов, Н.Яқубов зиммаларига юклансин.

Вазир

Н. Хусанов



Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва
меҳнат муносабатлари вазирининг
2020 йил “10” августдаги 130-
сонли буйруғига илова

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги
марказий аппарати ва вазирлик номенклатурасига кирадиган
вакант лавозимларга ишга қабул қилиш учун танлов ўтказувчи
доимий танлов комиссияси
ТАРКИБИ

№	Фамилия, исми ва отасининг исми	лавозими
1	УМУРЗАКОВ Баходир Хамидович	- Вазир ўринбосари, танлов комиссияси раиси
2	ИСАКОВА Гуллола Абдумаликовна	- Вазирнинг маънавият ва маърифат ишлари самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси
3	ЭГАМОВ Айбек Нормухаммедович	- Кадрлар бошқармаси бошлиғи
4	АЗИЗОВА Мамура Мирабдуллаевна	- Юридик бўлим бошлиғи
5		- танлов ўтказиладиган бўш лавозим мавжуд таркибий бўлинма раҳбари

Танлов комиссияси маъсул котиби

№	Фамилия, исми ва отасининг исми	лавозими
1	НАСРИДИНОВА Азиза Патхуллаевна	- Кадрлар бошқармаси бош мутахассиси

“ТАСДИКЛАЙМАН”

**Ўзбекистон Республикаси
Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазири**



Н. Хусанов

2020 йил “ ____ ” июль

“КЕЛИШИЛГАН”

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Давлат хизматини
ривожлантириш Агентлиги
директорининг ўринбосари**

Н. Максумов

2020 йил “ ____ ” июль

**Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги
тизимидаги вакант лавозимларга ишга қабул қилиш учун танлов
асосида саралаб олиш тўғрисида
ТАРТИБИ**

Мазкур тартиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5843-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 72-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимидаги вакант лавозимларга ишга қабул жараёнида шаффофлигини таъминлаш, илғор халқаро стандартларга мувофиқ махсус электрон дастур асосида талабгор фуқароларнинг барчасига тенг имкониятлардан фойдаланган ҳолда саралаб олиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Танлов Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимидаги вакант лавозимларга ишга қабул қилиш учун танлов асосида саралаб олиш малака талабларига мувофиқ энг муносиб номзодни танлаш мақсадида ўтказилади.

2. Мазкур тартиб талаблари куйидаги лавозимларга тадбиқ этилмайди:

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси номенклатурасига киритилган;

ишга қабул қилишнинг тайинлаш ёки сайлаш тартибида амалга оширилиши, ёки қонунчиликда ишга қабул қилишнинг алоҳида тартиби белгиланганда;

техник ва хизмат кўрсатувчи тоифадаги.

3. Мазкур Тартибда куйидаги асосий тушунчалар ишлатилади:

меҳнат органи – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 31 декабрдаги 1066-сон қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (кейинги ўринларда - Вазирлик) тизимиغا кирувчи юридик шахс, ташкилот.

вакант лавозим – меҳнат органи тузилмасида белгиланган, қонунчиликка мувофиқ тегишли малакага эга ходим қабул қилиниши мумкин бўлган бошқарув ва ишлаб чиқариш тоифасидаги бўш турган лавозим.

номзод – вакант лавозимга ишга кириш учун ташкилотга электрон тарзда мурожаат қилган жисмоний шахс;

танлов – мазкур Тартиб талаблари асосида ўтказиладиган, меҳнат органи олдига қўйилган вазифаларни самарали бажариш бўйича талабларга билими, малакаси, касбий кўникмаси, шахсий-психологик хусусиятлари мослигини аниқлашга қаратилган, меҳнат шартномасини тузишдан олдинги ҳолатлар мажмуи.

4. Танлов меҳнатга оид қонун ҳужжатлари ҳамда мазкур Тартиб талабларига асосан амалга оширилади.

5. Танловда иштирок этиш учун, қоида тариқасида, давлат фуқаролик хизмати лавозимини эгаллаш ҳуқуқи қонунчилик билан чекланмаган ва тегишли лавозимни эгаллаш учун малака талабларига жавоб берадиган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қўйилади.

2-боб. Танловни ташкиллаштириш

6. Вакант лавозимларга номзодларни ишга қабул қилиш учун танлов ўтказиш мақсадида ташкилотда танлов комиссияси тузилади.

Танлов комиссияси вазирликда, ҳудудий бошқармаларда ҳамда тасарруфий тизим ташкилотларида, ташкилот раҳбарининг буйруғи билан ташкил этилади.

7. Танлов комиссияси таркибига қуйидаги ходимлар киритилади:

ташкилот раҳбари;

ташкилот раҳбарининг ўринбосари;

кадрлар хизмати раҳбари (хизмат бўлмаганда масъул ходим);

юримдик хизмат раҳбари (хизмат бўлмаганда масъул ходим);

танлов ўтказиладиган бўш лавозим мавжуд таркибий бўлинма раҳбари.

Заруратга қараб танлов комиссияси таркибига, танлов ўтказиладиган бўш лавозимнинг хусусиятидан келиб чиқиб, бошқа шахслар ҳам киритилиши мумкин.

8. Танловни ташкил этиш кадрлар хизмати томонидан амалга оширилади (кейинги матнда – масъул котиб).

9. Танлов комиссияси:

Танловда иштирок этиш учун номзодлар томонидан тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш;

суҳбат ўтказиш.

Маъсул котиб:

танловни эълон қилиш, номзодлардан ҳужжатларни қабул қилиш;

суҳбат ўтказилишини ташкиллаштириш;

номзодларни танлов босқичларида иштирок этиш, ишга қабул қилиш ёки ишга қабул қилишни рад этиш тўғрисида хабардор қилиш.

10. Танлов куйидаги босқичларда ўтказилади:

биринчи босқич – танлов ўтказилиши тўғрисида эълон;

иккинчи босқич – ҳужжатларни қабул қилиш ва саралаш;

учинчи босқич – суҳбат ўтказиш;

тўртинчи босқич – номзодни ишга қабул қилиш тўғрисида тавсия бериш

11. Танлов ўтказишда ошкоралик ва холисликни таъминлаш мақсадида учинчи ва тўртинчи босқичларда аудио ва видеоёзуви қурилмаларидан фойдаланишга руҳсат берилади.

3-боб. Танлов ўтказиш тўғрисида эълонни жойлаштириш.

12. Танлов ўтказиш тўғрисида эълон:

вакант лавозимлар тўғрисидаги маълумотлар автоматик тарзда “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплексидан фойдаланган ҳолда “Давлат фуқаролик хизматчилари вакант лавозимларининг ягона очиқ портали” аппарат-дастурий комплексига (vacancy.argos.uz) (кейинги ўринларда – сайт);

вазирликнинг расмий веб-сайтида ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида жойлаштирилади.

Эҳтиёждан келиб чиқиб даврий нашрларда жойлаштирилиши ҳам мумкин.

13. Маъсул котиб вакант лавозимлар тўғрисидаги маълумотларни “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплексига ўрнатилган тартибда жойлаштирилиши ҳамда вакант лавозимни эгаллаш бўйича танлов ўтказиш тўғрисидаги эълоннинг оммавий ахборот воситаларида жойлаштирилишини таъминлайди.

14. Вакант лавозимлар тўғрисидаги маълумотлар вазирлик сайтига жойлаштирилган сана мазкур лавозимни эгаллаш бўйича танлов эълон қилинган кун деб ҳисобланади.

15. Танловда иштирок этиш бўйича номзодларнинг аризаларини қабул қилиш муддати танлов эълон қилинган кундан бошлаб 15 иш кунни ташкил қилади.

Танловда иштирок этиш бўйича аризалар келиб тушмаган тақдирда, аризаларни қабул қилиш муддати автоматик тарзда 15 иш кунга узайтирилади.

16. Танловда иштирок этиш бўйича аризаларни қабул қилиш фақат номзодлар томонидан сайтдаги электрон сўровномани тўлдириш орқали амалга оширилади.

Бунда, номзодга бир вақтнинг ўзида учтадан ортиқ бўлмаган давлат вакант лавозимини эгаллаш учун танловда иштирок этиш ҳуқуқи берилади.

Номзод хоҳишига кўра, аризага ўз малакасини тасдиқловчи диплом, сертификат ва бошқа ҳужжатларнинг электрон нусхаларини ҳам илова қилиши мумкин.

Аризалар қабул қилишда номзодлардан ҳужжатлар ва уларнинг нусхаларини қоғоз шаклида талаб қилиш ман этилади.

17. Номзодлар томонидан танловда иштирок этиш бўйича ариза тақдим қилишда ёлғон маълумотлар ёки сохта ҳужжатлар тақдим этилганлиги аниқланиши уларни танловдан четлатиш учун асос ҳисобланади.

18. Масъул котиб томонидан ариза қабул қилиш муддати тугаган кундан эътиборан уч иш куни мобайнида:

номзоднинг тақдим этган ҳужжатларини вакант лавозимни эгаллаш бўйича малака талабларга мослиги ўрганиб чиқилади.

ўрганиш натижасида малака талабларига мувофиқ бўлган номзодлар танлов иштирокчилари рўйхатига киритилади, малака талабларига мувофиқ бўлмаган номзодлар танлов иштирокчилари рўйхатига киритилмайди ва ўрнатилган тартибда хабардор қилинади;

номзодлар рўйхати танлов комиссиясига тақдим қилинади ва танлов комиссияси танлов ўтказилиши тўғрисида қарор қабул қилади;

вазирлик сайти орқали танлов ўтиш жойи ва вақти тўғрисида номзодларга хабар берилишини таъминлайди.

Танлов унда иштирок этиш бўйича аризалар қабул қилиш муддати тугаган кундан бошлаб етти иш куни ичида ўтказилиши лозим.

19. Танлов суҳбат шаклида танлов комиссияси томонидан ўтказилади.

Вазирлик томонидан танловда қўшимча тарзда тест ёки ёзма имтиҳон (кейинги ўринларда – имтиҳон) ўтказилиши ҳам мумкин.

20. Танлов ўтказишда шаффофлик, холислик ва объективликни таъминлаш мақсадида видеоёзув қурилмаларидан фойдаланилади.

21. Танловларни ташкиллаштириш ва ўтказишда белгиланган қоидага риоя этмаслик ҳолатлари, шунингдек, танлов комиссиясининг холис қарор қабул қилишига таъсир ўтказган ноқонуний хатти-ҳаракатлар аниқланган тақдирда, Агентлик танлов натижасини тўлиқ ёки қисман бекор қилиш ҳуқуқига эга.

4-боб. Сухбат ўтказиш тартиби

22. Сухбат танлов комиссияси томонидан ўтказилади. Сухбатда танлов комиссияси аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми иштирок этиши шарт.

Агар танлов комиссияси аъзоси сухбатдан ўтаётган шахснинг қариндоши бўлса, сухбат натижасидан шахсан, бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлса ёхуд унинг холислигига шубҳа туғдирувчи бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса, аъзо ўзини ўзи рад қилиш ҳақида арз бериши шарт.

23. Сухбат номзоднинг касбий маҳорати ва шахсий фазилатлари вақант лавозимни эгаллаш бўйича малакавий талабларга мос келишини баҳолаш мақсадида ўтказилади. Сухбатдан муваффақиятли ўтиш учун соҳага оид норматив ҳуқуқий ҳужжатларни билиш даражаси ҳамда етакчилик қобилиятига эътибор қаратилади.

24. Танлов комиссияси аъзолари ҳар бир номзодга кўпи билан бешта савол беради. Танлов комиссияси аъзолари ҳар бир саволга берилган жавобни баҳолайди.

25. Ҳар бир номзод билан ўтказилган сухбат натижалари бўйича ушбу Тартибнинг 1-иловасига мувофиқ шаклда сухбат варақаси тўлдирилади.

26. Танлов комиссиясининг ҳар бир аъзоси сухбат варақасида қуйидаги жумлалардан бирини танлаш орқали ўз тавсияларини кўрсатади:

меҳнат шартномасини тузиш тавсия этилади;

дастлабки синов муддати билан меҳнат шартномаси тузиш тавсия этилади;

меҳнат шартномаси тузиш тавсия этилмайди.

27. Ишга қабул қилишда устунлик меҳнат шартномаси тузиш бўйича танлов комиссияси аъзоларининг энг кўп ижобий тавсияларини олган номзодга берилади ва ушбу Тартибнинг 2-иловасига мувофиқ шаклдаги баённома билан расмийлаштирилади, агар танлов комиссияси аъзоларининг ижобий ҳулосалари тенг бўлса, танлов комиссияси раисининг ҳулосасига асосланиб якуний ҳулоса берилади.

Қонун ҳужжатларида давлат вақант лавозимга тайинлашда номзодни тегишли вазирлик ёки идора билан келишиш лозимлиги белгиланган бўлса, маъсул котиб унинг тегишли ҳужжатларини вазирлик ёки идорага келишиш учун юбориши лозим.

28. Агентлик сухбатда кузатувчи сифатида иштирок этиш учун ўз вақилини юбориш ҳуқуқига эга.

Сухбат вақтида тартиб-таомиллар танловларни ташкиллаштириш ва ўтказиш қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг вақили сухбатда кузатувчи сифатида иштирок этади.

29. Номзодлар танлов комиссияси хулосасидан норози бўлган тақдирда хулоса қабул қилинган кундан бошлаб бир ой муддатда танлов натижалари бўйича комиссия хулосаси устидан давлат органи ёки ташкилоти раҳбарига, юқори турувчи давлат органи ёки ташкилотига ёхуд судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

Сухбат ўтказилиши тўғрисида ўрнатилган тартибда хабардор қилинган, лекин унда иштирок этмаган номзодлар сухбатдан ўтмаган ҳисобланади.

30. Танлов комиссиясининг номзодни ишга қабул қилиш бўйича тавсия берилган (вазирлик ёки идора томонидан ижобий хулоса берилган) кундан эътиборан белгиланган тартибда уч иш куни мобайнида давлат органи ёки ташкилотининг раҳбари танлов ғолиби билан меҳнат шартномасини тузади.

Агар қонун ҳужжатларида вакант лавозимга тайинлашда номзодни тегишли вазирлик ёки идора билан келишиш лозимлиги белгиланган бўлса, маъсул қотиб унинг тегишли ҳужжатларини вазирлик ёки идорага келишиш учун юбориши лозим ҳамда ижобий жавоб олингандан сўнг белгиланган тартибда меҳнат шартномасини тузиш чораларини кўради.

Маъсул қотиб томонидан бир кунлик муддатда танлов комиссиясининг қарори сайтда эълон қилинади ва танлов ғолибини ишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқ нусхаси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлигига юборилади.

5-боб. Яқуний қоида

31. Мазкур Тартиб талабларини бузганликда айбдор шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

СУҲБАТ ВАРАҚАСИ

(давлат орган ёки ташкилот номи)

(Номзоднинг Ф.И.Ш.)

Т/р	Комиссия аъзоси Ф.И.Ш.	Лавозими	Тавсия	Имзо ва сана
1.				
2.				
3.				
4.				
5.				

**Танлов комиссияси
БАЁННОМАСИ**

(танлов ўтказиладиган жой)

20 __ й. « __ » _____

Раис: _____

Комиссия аъзолари:

Таклиф қилинганлар:

Инғилиш кун тартиби:

_____ бўйича ўтказилган танловда.
Танлов комиссиясининг хулосаси (қабул қилишнинг асослантирилиши) : _____

Изоҳ*: _____

Танлов комиссияси раиси: _____

Танлов комиссияси котиби: _____

Танлов комиссияси аъзолари: _____

Баённома билан танишдим:

(танловдан ўтган кишининг имзоси ва сана)

* Танловларни ташкиллаштириш ва ўтказишда белгиланган тартибга риоя этмаслик ҳолатлари аниқланган тақдирда Агентлик вакили томонидан тўлдирилади.



“ 09 ” 07 2020y

№01/00-01/12-6047

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Давлат хизматини
ривожлантириш агентлиги
директорининг ўринбосари
Н.Э.Максумовга**

Хурматли Надиржон Эргашевич,

Сўнги йилларда мамлакатимизда давлат хизмати фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Хўжалик бошқаруви органлари томонидан давлат бошқаруви ва хўжалик функцияларини бирга қўшиб олиб бориш амалиётидан воз кечиш, давлат органлари ва ташкилотлари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ҳамда ижтимоий таъминлашнинг замонавий тизимини яратиш бўйича чоралар кўрилмоқда.

Шу билан бирга, ташкилотларда малакали мутахассислар билан етарли даражада таъминланмаётганлиги, кадрлар малакасини етарли эмаслиги бир қатор тизимли муаммолар ва камчиликларга сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5843-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги билан ҳамкорликда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигида кадрлар маъмуриятчилигининг замонавий усулларини илғор халқаро стандартларга мувофиқ жорий этиш учун вазирлик марказий аппаратидаги вакант лавозимларга ишга қабул қилиш учун танлов асосида саралаб олиш тўғрисидаги Тартиб ишлаб чиқилди.

Мазкур тартиб билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги ПФ-5843-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 72-моддаси талаблари асосида вазирликда вакант лавозимларга ишга қабул жараёнида шаффофликни таъминлаш, илғор халқаро стандартларга мувофиқ махсус электрон дастур (vacancy.argos.uz) асосида талабгор фуқароларнинг барчасига тенг имкониятлардан фойдаланган ҳолда саралаб олишни мақсад қилиб олинган.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги
Сиздан дастлабки тарзда вазирлик Марказий аппаратида мавжуд бўлган
бошқарув тизимидаги **5 та вакант** лавозимларга номзодларни очик мустақил
танлов орқали шаффоф механизмлар асосида саралаб олинишида амалий ёрдам
беришингизни сўраймиз.

Вакант лавозимлар рўйхати илова қилинади

Хурмат билан,

Вазир



Н.Хусанов

**Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги
Марказий аппаратида мавжуд бўлган бошқарув тизимидаги вакант
лавозимлар ва уларга қўйилган минимал талаблар**

Вакант лавозим	Номзодга қўйилган талаблар	Ойлик маоши
<p>Бандлик дастурларини шакллантириш ва мониторинг қилиш бошқармаси Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолининг ўзини-ўзи банд қилишини рағбатлантириш бўлими бошлиғи</p>	<p>Олий маълумотли, давлат органи ва ташкилотида соҳа бўйича камида 3 йил иш тажрибасига эга бўлган, ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдалана оладиган</p>	<p>Штат жадвали асосида, <i>(устамалар бор)</i></p>
<p>Бандлик дастурларини шакллантириш ва мониторинг қилиш бошқармаси Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолининг ўзини-ўзи банд қилишини рағбатлантириш бўлими бошлиғи бош мутахассиси</p>	<p>Олий маълумотли, давлат органи ва ташкилотида камида 2 йил иш тажрибасига эга бўлган, ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдалана оладиган шахс</p>	<p>Штат жадвали асосида, <i>(устамалар бор)</i></p>
<p>Меҳнат стандартлари ва меҳнатга ҳақ тўлаш Бошқармаси "ЯММТ" ИДАКни жорий қилиш, тизим маълумотларини мониторинг ва таҳлил этиш бўлими бошлиғи</p>	<p>Олий маълумотли, давлат органи ва ташкилотида соҳа бўйича камида 3 йил иш тажрибасига эга бўлган, ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдалана оладиган, иш берувчилар ва ходимлар ўртасидаги меҳнат муносабатларига оид норматив ҳужжатларни яхши билган</p>	<p>Штат жадвали асосида, <i>(устамалар бор)</i></p>

Вакант лавозим	Номзодга қўйилган талаблар.	Ойлик маоши
Молиявий назорат бўлими бош мутахассиси	Олий иқтисодий маълумотли, давлат органи ва ташкилотида соҳа бўйича камида 2 йил иш тажрибасига эга бўлган, ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдалана оладиган шахс	Штат жадвали асосида, (устамалар бор)
Меҳнат бозори ва меҳнат миграцияси таҳлили ЎИҒМа ахборот-таҳлил департаменти мудири ўринбосари	Олий маълумотли, ўзбек ва рус тилларида мулоқот олиб бора оладиган, давлат органи ва ташкилотида камида 5 йил иш тажрибасига эга бўлган, ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдалана оладиган шахс	Штат жадвали асосида, (устамалар бор)